

<<Тасдиқлайман>>



Наманган шаҳар ҳокимининг  
биринчи ўринбосари

Р.Исақов

23.11.2022 йил

Заргарлик дастгохлари етказиб  
берувчи ташкилотни танлаш бўйича  
**танлов хужжатлари**

Буюртмачи: Наманган шаҳар ҳокимлиги

Наманган-2022

## 1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХЛИЛИЙ ҚИЙМАТИ

### 1.1. Товарнинг характеристикаси

Номи	Миқдори	Суммаси
Омбир	10 дона	300 000

1.2. Танлов қиймати 3 000 000(уч миллион) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қаъбул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

### 2.Танлов ташкилотчилари

2.1. Наманган шаҳар ҳокимлиги (бундан кейин- “бўйртмачи” деб аталади)- танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

2.2. Танлов бўйртмачи томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.

### 3.Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматларни кўрсатишга ихтисослашган тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:

3.2.1. Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолотномаси ҳамда ишларни(хизматларни) бажариш учун зарур бўлган мутахассисларнинг мавжудлиги;

3.2.2. Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

3.2.3. Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

3.2.4. Низом маблағи миқдори.

3.3 Агар танлов предмети бўлган ишларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиши учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

### 4. Танловда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига жойлаштириши мумкин.

4.2. Танлов ҳужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, буюртмачи томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган ишларни кўрсатилиши керак;
- Хар бир иштирокчи фақат битта таклиф беришга ҳақли.

## **5. Томонларнинг жавобгарлиги**

**5.1.** Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**5.2.** Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлигига ва тўғрилигига жавобгардир. Ҳолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **6. Бошқа шартлар**

**6.1.** Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни ўзгартиришига йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

**6.2.** Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифла бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.